

**МАВЗУ: ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ
СУҒУРТАЛАШ ВА
ТАВАККАЛЧИЛИК**

Муаллиф: Намозов Жўрабек

МАВЗУ: ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ ВА ТАВАККАЛЧИЛИК

Режа:

- 1. Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорининг ривожланиши.**
- 2. Инвестицияларни суғурталаш даражаси.**
- 3. Инвестицияларнинг таваккалчилик даражаси.**

1. Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорининг ривожланиши

Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги 618-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2008 йил 21 майдаги 872-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, суғурта, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базасини ташкил этади.

Суғурта - бу юридик ва жисмоний шахсларнинг маълум бир тўлов эвазига суғурта қилинган шахсга бахтсиз ҳодиса туфайли етказилган зарарни қоплашдир.

Ўзбекистон Республикасининг суғурта қонунчилиги Ўзбекистон ҳудудида хорижий юридик ва жисмоний шахсларга суғурта ташкилотларини ташкил этишда инвесторларнинг низом сармоясида қатнашиш улушини қаттиқ чегаралашни назарда тутмайди.

Мамлакатимиз территориясида суғурта фаолиятини тартибга солиш билан шуғулланувчи ва суғуртачи компаниялар фаолияти устидан назорат қилувчи давлат жамияти органи - Ўзбекистон Давлат суғурта лицензияси томонидан махсус рухсатнома олгандан сўнг бевосита суғуртачилик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

2. Инвестицияларни суғурталаш даражаси


"Ўзбекинвест" суғурта компанияси миллий экспорт қилувчиларнинг иқтисодий манфаатларини чет элларда хорижий ҳамкорлар томонидан қабул қилинган шартнома мажбуриятларининг бажарилишига тўсқинлик қилувчи сиёсий, тижорат ва тадбиркорлик хатарларидан суғуртавий ҳимоя қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига сармоя сарфлаётган хорижий инвесторларнинг мулкӣ ва шахсий манфаатларини комплекс суғуртавий ҳимоя қилишни таъминлайди.

2017 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистон суғурта бозорида 26 та суғурта компанияси фаолият юритиб келмоқда. Улардан 23 таси умумий суғурта соҳасида, 3 таси ҳаёт суғурта соҳасида фаолият юритмоқда. Ушбу суғурта компанияларнинг 1 таси давлат улушига эга суғурта компаниялари, 5 таси акциядорлик жамиятлари, 18 таси масъулияти чекланган жамиятлар ва 2 таси шўъба корхоналар кўринишида фаолият юритмоқда. Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган энг йирик суғурта ташкилотлари сифатида "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, "Ўзагросуғурта" ва "Кафолат" акциядорлик суғурта компанияларини келтириш мумкин. Ялпи суғурта мукофотлари ҳажмининг ЯИМ улуши, суғурта бозори ривожланишини ифодаловчи асосий макроиктисодий кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич мамлакатимизда охириги йилларда 0,3 % атрофидаги барқарорликка эришган.

Ўзбекистон суғурта бозорининг асосий кўрсаткичлари, млрд. сўм

Йиллар	Суғурта- ловчилар сони	Суғурта мукофотларининг ҳажми	Суғурта тўловлари ҳажми	Жами инвестиция ҳажми
2008	33	88,1	15,5	240,5
2009	34	146,1	20,7	270,4
2010	33	175,5	27,6	298,8
2011	37	221,8	45,1	367,3
2012	33	258,9	46,0	469,3
2013	33	338,5	66,9	526,6
2014	31	439,1	74,6	623,7
2015	31	515,7	111,0	758,1
2016	26	692,6	130,5	867,5
2017	26	927,5	270,0	975,6

2016 йилда суғурта мукофотларини йиғиш бўйича бозор етакчилари



3. Инвестицияларнинг таваккалчилик даражаси

Хорижий инвестицияларнинг муваффақиятли жалб қилиниши уч гуруҳ омилларига боғлиқ бўлади.

1) Инвестиция қувватининг мавжудлиги. Уни табиий, меҳнат захиралари, шунингдек ишлаб чиқариш, истеъмол, молиявий, инновация, институционал ва инфратузилмавий қувватлар ташкил қилади.

2) Инвестиция шароитлари. Буларга: умумиқтисодий, бозор меъёрий-ҳуқуқий, ахборот билан таъминлаш, экологик, ижтимоий, этнографик ва ижтимоий маданий шароитлар киради.

3) Инвестиция таваккалчилиги (риски).

Таваккалчилик - бу башорат қилинаётган лойиҳани амалга оширишда ҳақиқий шароитлардан озгина чекинилган даромадларни ололмаслик ёки зарарларни пайдо бўлиб қолиши эҳтимолидир.

Таваккалчиликнинг таъсир кўрсатиш хусусияти ва пайдо бўлиш манбаларига қараб, қуйидаги омиллар мавжуд:

1) Сиёсий омил. Бунга давлат тузумининг барқарорлиги, қонунчилик асосининг мавжудлиги, иқтисодий сиёсатнинг мавжудлиги, инвесторлар учун ахборот ва маълумотларнинг очиқлиги ҳамда ўтказилаётган сиёсатнинг ошкоралиги киради.

2) Макроиқтисодий омил. Бунга иқтисоднинг ўсиш суръатлари, инфляция даражаси, ишсизлик, аҳоли жон бошига ўртача даромад, миллий валютанинг барқарорлиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг ҳолати, қайта молиялаш ставкаси киради.

3) Микроиқтисодий. Бунга корxonанинг ўсиш суръатлари, даромадлари, харажатлари, фойдаси, рентабеллик даражаси ва бошқалар киради.

4) Инфратузилмавий омил. Бунга хизмат кўрсатувчи шахобчалар, жумладан минибанклар, МТП, ёқилғи қўйиш шахобчалари, консалтинг хизматлари ва бошқалар киради.